

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.Рафиқов, А.Сотволдиев</b>	
Параболо - гиперболик тенглама учун нолокал шартли масала.....	5
<b>И.Неъматов, С.Кукиева</b>	
Предикатлар ва кванторлар ёрдамида теоремаларни тузиш .....	11
<b>М.Азизов, С.Рустамова</b>	
Бернулли тенгламасига келтириб ечиладиган биринчи тартибли оддий дифференциал тенглама учун Коши масаласи.....	13

<b>А.Ибрагимов, Ю. Исақов, О.Йигиталиева, А.Иброҳимов</b>	
Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган мева шарбатлари ҳамда меваларнинг анализини ўтказиш услубиёти.....	17
<b>Ю.Исаев, С.Рустамов, И.Асқаров, Н.Тўлаков</b>	
Глициррининг кислотасининг таркибида мочевина бўлган ҳосилаларини синтез қилиш .....	21

<b>Р.Максудов</b>	
“Балиқчилик инновацион маркази” фаолияти ва балиқчиликнинг истиқболлари.....	24

<b>И.Зокиров, С.Исроилжонов</b>	
Ҳашаротларнинг ўсимликка таъсир кучини аниқлаш мезонлари .....	27

<b>Н.Рахмонов</b>	
Таълим хизматлари сифатини бошқаришнинг назарий асослари .....	31
<b>М.Мўйдинов</b>	
Агросаноат мажмуасида кичик ва ўрта бизнес кластерларини шакллантириш принциплари.....	35

<b>Б. Усмонов</b>	
XV асрнинг 70-йилларида Фарғона .....	39
<b>Н.Режаббоев</b>	
Наманган уездидаги “овқатланиш пункт”ларининг фаолияти .....	43
<b>А.Нурматов</b>	
XX асрнинг 80-йилларида енгил ва озиқ-овқат саноати моддий-техника базасининг айрим ҳолатлари хусусида (Фарғона водийси мисолида).....	49
<b>М.Мансуров</b>	
Фарғона водийсида қишлоқ туризмнинг ривожланиш жараёнлари ва имкониятлари .....	55
<b>Х.Юнусова, У.Усаров</b>	
Фарғона водийси деҳқончилик маданияти ва аънаналари ҳақида баъзи мулоҳазалар.....	58

<b>Т.Абдуллаев</b>	
Инсон эҳтиёжларининг шаклланиш хусусиятлари .....	62

УДК: 93/99+796.5

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ҚИШЛОҚ ТУРИЗМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ИМКОНИАТЛАРИ

**М.Мансуров**

**Аннотация:**

*Мақолада Фарғона водийсида қишлоқ туризмнинг ривожланиш жараёнлари ва имкониятлари архив манбалари асосида ёритилган.*

**Аннотация:**

*В статье на основе архивных документов освещены процессы развития и возможности сельского туризма в Ферганской долине*

**Annotation:**

*In this paper the process of development and possibilities of village tourism in Ferghana valley on the basis of archival documents are described.*

**Таянч сўз ва иборалар:** қишлоқ туризми, хорижий тажриба, фестиваль, қишлоқ хўжалиги.

**Ключевые слова и выражения:** сельский туризм, зарубежный опыт, фестиваль, сельское хозяйство

**Key words and expressions:** village tourism, foreign experiences, festival, agriculture.

Бугунги кунда туризм индустрияси иқтисодиётнинг асосий секторига айланиб бормоқда. Туризм тармоғи кириб бормаган бирон-бир соҳани топишнинг ўзи мушкул бўлиб бормоқда. Туризм шу даражада кенг тушунчага айланиб бормоқдаки, у илм-фан, тадбиркорлик, халқларнинг моддий ва маънавий бойликларидан тортиб, ҳатто қишлоқ хўжалиги ҳам туризм индустриясининг таркибий қисмига айланиб улгурди.

Қишлоқ туризмни ривожлантириш ўз навбатида, маҳаллий аҳолининг туристик фаолиятда иштирок этиш, даромад олиш, табиатни муҳофаза қилиш, кўп асрлик анъаналари, ўз тарихини чуқурроқ билиш учун иқтисодий рағбат яратади. Маданий тафаккурини оширади. Чунки халқ ўз маданиятига қизиқиш ва маҳаллий аҳолининг бир-бирини маънавий бойитиш жараёни шаклланади ва тобора кучайиб боради.[1,53] Қишлоқларда ислом қоидалари ва ахлоқига мос анъаналар қадрланади. Қишлоқ ҳаётига ташқаридан таъсир кам бўлгани учун ҳам миллий ўзига хослик ва ҳаёт тарзида сақланиб қолган. Аҳоли ҳаётининг тарихий хусусиятлари, афсоналар ва эртақларда хунармандчилик, каштачилик ва чеварчилик, овчилик ва чорвачилиқда ўз аксини топган. Турли-туман удумлар ва тантанали тадбирлар, хусусан, тўйлар, деҳқонларнинг анъаналари ана шулар билан боғлиқ.[1,61]

Ҳозирги кунда Европанинг Сицилия оролида қишлоқ туризми ривожланган бўлиб, бу ерда сайёҳлар машҳур апельсин плантацияларига тушиб, бу меваларни кўришлари мумкин. Апельсин плантациялари ҳудудида жойлашган қишлоқларда сайёҳлар учун барча қулайликлар яратилган. Махсус инфратузилма шакллантирилган. Сайёҳлар бу ерда Сицилия боғлари ва аҳолиси маданияти, урф-одатлари ҳақида тўлақонли маълумотлар олиш имкониятига эга бўлишлари мумкин.

Бугунги кунда қишлоқ туризми сайёҳлик индустриясида профессионал ўринга эга бўлмоқда. Шу билан бир қаторда туризмнинг қишлоқ хўжалигига кириб бориши натижасида, бу соҳанинг ҳам сайёҳлик бизнесининг муҳим тармоғига айланишига олиб келади. Бу, қишлоқ аҳолисининг фаровонлик даражасини ошишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш бугунги кунда Европанинг аксарият давлатлари валюта заҳираларининг ошишига ўзининг ҳиссасини қўшмоқда.[2.]

Сершовқин шаҳарлардан зериккан хорижлик туристларни сокин ва ўзига хос табиатига эга қишлоқ ҳудудларига жалб қилиш ва бу борада барча имкониятларни ишга солиш вақти келди. Бу, ўз навбатида, Фарғона водийси қишлоқлари инфратузилмасининг янада яхшиланишига, халқимиз фаровонлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Маҳаллий аҳолининг маданияти, урф-одат ва анъаналарини намойиш қилиш туризм тараққиёт дастурларига киритилган.

М.Мансуров – ФарПИ, мустақил изланувчи.

Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёнини кўриш мақсадида сайёҳлар қишлоқ туризми доирасида Фарғона вилоятига ташриф буюргани бунинг ёрқин мисолидир [3,6]. Туризмнинг янги тармоғи сифатида қишлоқ туризмни ривожлантириш қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқларни намойиш қилиш ва маҳаллий қишлоқ аҳолининг яшаш тарзини намойиш қилиш ҳам туризмнинг энг истиқболли тури сифатида эътироф этилмоқда[4,7]. Қишлоқ туризми ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёнини туристларга намойиш қилиш мақсадида Олтиариқ, Қува туманларида махсус дала туристик зоналари ташкил қилиш бўйича туристик маршрутлар ишлаб чиқилган[5,25]. Фарғона вилояти туризм ва экскурсия бюроси ташаббуси билан туризм тараққиётини таъминлаш мақсадида қишлоқларда туризмни ривожлантириш секцияси йўлга қўйилган[6,12].

Фарғона вилояти қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланганлигини инобатга олган ҳолда, мавсумий туризмни ривожлантириш мақсадида куз мавсумида, сентябрь-октябрь ойларида боғларда ҳосил йиғиш жараёнларини томоша қилиш ва бевосита иштирок этиш, поёнсиз пахта далаларида “оқ олтин” йиғиш жараёнларида иштирок этиш бўйича махсус туристик маршрутлар ишлаб чиқиш ва қишлоқ туризмни янада ривожлантириш бўйича махсус тавсиялар ишлаб чиқилган[7,11].

Фарғона вилоятининг Қува тумани ўзининг анори билан нафақат мамлакатимизда, шу билан бир қаторда хорижда ҳам машҳур. Қува бугунги кунда нафақат қадимий ўтмиши, шу билан бир қаторда бетакрор табиати, сўлим боғлари билан ҳам жуда машҳур. Туризмни комплекс ҳолатда ривожлантириш учун барча имкониятларга эга. Қува анори Қуванинг миллий бренди саналади. Қува анори ҳудуднинг миллий бренди мавқеини сақлаб қолиши учун “Анор фестивали” ташкиллаш, унда нафақат анор навлари, шу билан бир қаторда анорни қайта ишлаш натижасида олинган турли маҳсулотлар, жумладан, анор шарбатларини намойиш этиш, фестивалга нафақат республикаимиз, шу билан бир қаторда хорижлик сайёҳларни қизиқтириши мумкин. Қишлоқ туризмни ривожлантириш мақсадида сайёҳларни Қува туманидаги мева – боғдорчилик илмий текширишинститутига мевалар теримига, “Роҳатой” фермер хўжалигига анор теримига ва “Оқ олтин” фермер хўжалигида пахта теримига сайёҳлар жалб этиб келинмоқда. 2001 йилдан буён Фарғона шаҳри марказидаги “Савдо мажмуи” олдида “Асал байрами” миллий ярмаркаси мунтазам ташкил этиб келинаётганлиги, маҳаллий ва хорижлик сайёҳларнинг қизиқишини орттирмоқда. Ҳатто Молдавия, Украина, Франция, Испания давлатларидан сайёҳлар ташриф буюрмоқда.

Фарғона вилояти Олтиариқ тумани эса ўзининг узумзор боғлари билан хорижда ҳам машҳур. Узумчилик, боғдорчилик туризмнинг таркибий қисми бўлса-да, шунга қарамай ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларида алоҳида тур сифатида ҳам ривожланган. Жумладан, Италия, Греция, Испания, Франция ва бошқа Европа давлатларида, АҚШнинг Калифорния штатларида алоҳида туризм тури сифатида туризм индустриясида эътироф этилмоқда. Бунинг асосий сабаби, аввало, узумчилик юқоридаги санаб ўтган давлатларда вино туризми билан бирга намойиш этиб келинаётганлиги туфайли ҳам алоҳида тур сифатида эътироф этилмоқда. Олтиариқ тумани ҳудудида етиштирилаётган узум навлари асосан истеъмол қилиш ва майиз маҳсулотлари тайёрлашда ишлатиб келинмоқда.

Фарғона вилоятининг Бувайда тумани боғбонлари, айниқса, Оққўрғонлик боғбонлар анжир етиштириш бўйича анча миришкор бўлиб, Оққўрғон анжирини ҳудуднинг миллий бренди, деб ҳам айтишимиз мумкин. Бешариқ тумани боғбонлари асосан Рапқон қишлоғи ўзининг субхоний ўриклари ва ўрик қоқилари билан тарихдан маълуму машҳур. “Субхоний” ўрик навини бемалол ҳудуднинг миллий бренди, деб эътироф этишимиз мумкин. Чунки қуритилган ва қуруқ мевалар ёрдамида тайёрланган сувенир совғаларни маҳаллий аҳоли ва хорижлик туристлар махсус совға сифатида олиб кетишмоқда.

Фарғона водийсининг турли ноёб ва жозибали табиат манзаралари, агро ландшафтлари, диққатга сазовор маданий ва тарихий обидалари юртимизнинг ушбу минтақасида экотуризмни ривожлантириш имконини беради. Маълумки, қишлоқ жойларда аҳолининг бандлигини таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Айни масалани ҳал қилишнинг йўлларида бири қишлоқ жойлардан туризм мақсадида фойдаланиш, яъни қишлоқ туризмни йўлга қўйиш зарур.

Қишлоқ туризмини сайёҳларга хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича уч турга бўлиш мумкин: табиат ва соғлиқни мустаҳкамлаш, анъанавий агроландшафт, агроспорт. Хизмат кўрсатишнинг табиат ва саломатлик тури қишлоқ хўжалиги ривожланган ҳудудлар ҳамда улардаги ўзларининг даволаш ва саломатликни тиклаш хусусиятларига эга бўлган (манзарали табиати, қулай иқлим шароитлари, минерал сувлари, даволовчи балчиқ қатламлари ва бошқа шарт-шароитлари билан ажралиб турадиган) ҳудудлар атрофида жойлаштирилади. Бундай ҳудудларга Фарғона вилоятида Чимён, Аввал, Арсиф, Қизилтепа, Рапқон каби қишлоқлар ҳудудларини мисол қилиб айтиш мумкин. Шунингдек, қишлоқ жойларда сақланиб қолган кичик табиий ҳудудлар экотуризмни ривожлантириш ва аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Фарғона вилояти табиий шароити жиҳатидан экологик туризмнинг барча кўринишларини ташкил қилиш учун қулай ҳисобланади. Чунки бу ҳудудда инсон томонидан кучли ўзгартирилмаган 13 та табиий ҳудуд жойлашган. Бу нафақат маҳаллий, балки хорижлик туристларни ҳам жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий мамлакатлардан ташриф буюрадиган кўплаб туристлар асосан сершовқин шаҳарлардан узоқда, ташриф буюрган давлатининг маданияти, миллий анъана ва қадриятларини асл ҳолатда кўришга интилишини назарда тутадиган бўлсак, қишлоқ туризмини ривожлантириш иқтисодийнинг истиқболли йуналишларидан бири эканлигига шубҳа қолдирмайди. Қишлоқ туризмини ривожлантириш орқали республикамиз аҳолисининг 50% дан ошиғини қишлоқ аҳолиси ташкил этишини инobatга олиб, доимий иш ўринлари билан таъминлаш билан бир қаторда янги иш ўринлари пайдо бўлишига олиб келади. Энг асосийси, ҳар бир маҳаллада вояга етаетган ёш авлод қалбида миллий ифтихор ва ғурур ҳиссини жўш урдириш, ўз ватанидан фахрланиш ҳисси шаклланишининг бош мезонига айланади. Зеро, ватан маҳалладан бошланади. Маҳалла ватан ичра бир ватандир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугун халқаро миқёсда туризм индустрияси сифатида эътироф этилаётган турларни бирданига юртимизга олиб кириш ва ривожлантириш осон кечмайди. Бироқ, бугун пайдо бўлган эзгу ғоя эртага, албатта, ўз самарасини бермасдан қолмайди. Энг аввало, туризм индустриясининг қишлоқ хўжалигига кириб келиши хорижий инвестиция оқимининг кенгайишига олиб келади. Соҳага янги технологияларнинг жалб этилиши қишлоқ туризмини ривожлантириш имконини беради. Бугун қишлоқ хўжалигининг модернизация қилиниши жараёни давом этаётган бир вақтда фермерлик фаолиятига ҳам махсус бизнес тури сифатида қараш вақти келди. Шунингдек, туристларнинг ҳаёт хавфсизлиги борасида зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Иккинчидан, бугун фермер хўжаликлари раҳбарларига энди қишлоқ хўжалиги раҳбари ёки ишчи-деҳқон сифатида эмас, ҳар томонлама кучли тадбиркор сифатида қараш вақти келди. Биз шундай кўз билан қарамас эканмиз, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш ўртасида масофа сақланиб қолаверади. Қишлоқларда велосипед ва отлар ижарасини йўлга қўйиш ҳам соҳа ривожига катта аҳамиятга эга. Фарғона вилоятида қишлоқ туризмини ривожлантириш учун веб-саҳифалар яратиш зарур. Почта маркаларида ҳудуднинг миллий бренди сифатида эътироф этилган мева ва полиз маҳсулотлари рамзий расмлари акс эттирилган маркалар чоп этиш ҳам яхши самара беради. Туризм индустриясининг қишлоқ хўжалигига ҳам кириб келиши, аввало, ишсизлик муаммоларини ҳал қилишга, шу билан бир қаторда аҳоли реал даромадларининг ошишига олиб келади.

#### Адабиётлар:

1. Бердиёров Б. С. Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм хизматлари бозоридаги ўрни. -Самарқанд, 2010 .
2. <http://hafanana-turs.ru/derevenskii-turizm/derevenskii-turizm-v-sovremennom-turisticheskombiznese.php>
3. ФвДА: Ф.1141, Р. 1, Й.Ж. 48. -Б.6.
4. ФвДА: Ф.1141, Р. 1, Й.Ж. 48. -Б. 7.
5. ФвДА: Ф.1141, Р.1, Й.Ж.49. -Б. 25.
6. ФвДА: Ф.1141, Р. 1,Й.Ж.5. - Б.12.
7. ФвДА: Ф.1141, Р.1, Й.Ж.5.- Б.11.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)